

Айбдорнинг жиноий ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 16 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу вилоят судининг 2009 йил 5 ноябрдаги ҳукмига асосан, С. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «ж» банди билан 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига асосан С қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли, деб топилган.

С. 2009 йил 16 апрель куни онаси Д. ва отаси К.лар билан бирга Шўрчи туманидан отасига тегишли «Матиз» русумли «19 М 7001» давлат белгили автомашинани бошқариб чиқиб, Олтинсой тумани, «Ипоқ» маҳалласида яшовчи фуқаро Э.дан Россия давлатида ишлаш даврида ўрталарида бўлган 700 АҚШ доллар қарз пулини қайтариб олиш мақсадида Олтинсой туманига келишган. Отаси К.ни холаси З. яшаш жойида қолдириб, Д. ҳамда З. билан биргаликда Э.нинг уйига келиб, уни чақириб ундан қарзини беришини талаб қилган. Ўрталарида келиб чиққан жанжал натижасида С. Э.нинг отаси А. укаси И.нинг кўз ўнгида, уни ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдириш мақсадида, ҳаёти учун муҳим бўлган юрак қисмига ўзи билан олиб келган ошхона пичоғи билан бир маротаба урган.

Шундан сўнг С. ўз бошқарувидаги «Матиз» русумли автомашинада Э.ни унинг укаси ва бошқа шахслар билан биргаликда туман марказий касалхонасига олиб борган бўлса-да, Э. олган оғир тан жароҳати натижасида касалхонада вафот этган.

Жиноят иши бўйича суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаган, бироқ С.нинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилишда хатоликка йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги **«Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 12-бандида жабрланувчининг яқин кишилари кўз ўнгида одам ўлдириш, агар

айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланмоғи лозимлиги кўрсатилган.

Бироқ иш бўйича Олий суд Пленумининг ушбу тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш материалларига қараганда, С. 2009 йил 16 апрель куни онаси ва ҳоласи билан Э. Россия давлатида ишлаш даврида ўрталарида бўлган 700 АҚШ доллар қарз пулини қайтариб олиш мақсадида Олтинсой туманига келишган. Э.нинг уйига келиб, уни чақириб, ундан қарзини беришини талаб қилган. Шу пайт Э.нинг отаси келиб, ўғлининг қарзи йўқлигини айтиб, ҳақоратлаб, онаси ва ҳоласини ура бошлаган. Жанжал келиб чиқиб, жанжал вақтида С. ўзи билан олиб келган ошхона пичоғи билан Э.ни бир маротаба урган. Э. олган оғир тан жароҳати натижасида касалхонада вафот этган.

Суд С. ўта шафқатсизларча Э.ни қасддан ўлдирган, деган хулосага келиш учун уни отаси А., укаси И.ни кўз ўнгида қасддан ўлдирганлигини асос қилиб олган.

Судланган С. дастлабки тергов ва судда айбига қисман иқрорлик билдириб марҳум Э.ни 2008 йилда Россия Федерациясида бирга ишлаган даврдан танишлиги, шунда у 700 АҚШ доллари қарз бўлиб қолганлиги, қарзини сўраб бир-икки марта борганлиги, у ҳозирда пули йўқлиги сабабли пулни кейинчалик беришини билдирганлиги, 2009 йил 16 апрель куни яна унинг уйига «Матиз» русумли автомашинада онаси ва ҳоласи З. билан қарзини сўраб боришганлиги, Э. қарзи йўқлигини билдирганлиги сабабли жанжал чиққанлиги, Э. унинг жағ қисмига қўли билан уриб, пичоқ билан унга ҳамла қилиб, елка қисмига бир-икки марта санчиб олганлиги, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида Э.нинг қўлидаги пичоқни қайириб унинг ўзига урганлиги, пичоқ чап кўкрак соҳасига кирганлиги, қариндошлари билан бирга уни касалхонага олиб борганлиги, уни ўлдириш мақсади бўлмаганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Жабрланувчи А. судда Э. ўғли бўлиши, у Россия Федерациясида Б, билан бирга ишлаганлиги, С. ўғлидан қарзини сўраб келиб юрганлиги, охири март 2009 йил 16 апрель куни «Матиз» русумли автомашинада онаси ва холаси билан бирга қарзини сўраб келганлиги, ўғлини ҳақорат қила бошлаганликлари сабабли, тинчлантирмоқчи бўлганида С.нинг онаси ва холаси жанжаллашиб кетишганликлари, ажратмоқчи бўлганида С.нинг кўлида пичоқ кўрганлиги, ўғлининг кўкрагидан қон оққанлиги, шундан сўнг ўғлини С.нинг автомашинасида туман марказий шифохонасига олиб боришганликлари, лекин ўғли касалхонада вафот этганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ Д. судда С. ўғли бўлиши, у 2008 йил март-ноябрь ойларида Россия давлатида ишлаб келганлиги, Э. ўғлини пулини бермаганлигини эшитганлиги, бир неча марта унинг уйига пулини сўраб боришганлиги, Э. ҳозирча пул йўқлиги, кейинчалик беришини айтиб, икки-уч марта алдаганлиги, 2009 йил 16 апрель куни ўғли С. ва ўзининг синглиси З. учаласи Э.дан қарзини олиш мақсадида боришганлиги, ўғли ва Э. гаплашиб турганларида Э.нинг отаси келиб уларни ҳақорат қилиб, уни ва З.ни урганлиги, шундан кейин жанжал бошланиб кетганлиги, бир аёл ўғлимни пичоқлаб ўлдириб қўйишди деб бақирганлиги, жанжал вақтида ўғли С. А.га пичоқ билан жароҳат етказганлигини эшитганлиги, Э.ни ўғлининг автомашинасида касалхонага олиб борганликлари, лекин у вафот этганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Суд тиббиёт экспертизаси С., А. И. З. Д. И.ларга енгил шикаст етказилганлиги ҳақида хулоса берган.

Бироқ суд жиноят процесси иштирокчиларининг ушбу кўрсатмаларига, суд тиббиёт экспертиза хулосаларига, бир неча шахслар иштирок этган воқеа тавсилотларига, С. Э.га жанжал пайтида пичоқ урганлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Жиноят ишида С. Э.ни пичоқ билан ураётган вақтида унинг отаси ва укасига кучли изтироб берганлигини англаганлиги ёки жиноят ўта

шафқатсизликча содир этилганлигидан далолат берувчи далиллар тўпланмаганлиги суднинг эътиборидан четда қолган.

Бундай ҳолда С. Э.ни ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдирган, деб бўлмайди.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Олий суд судлов хайъати С.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, унинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “ж” бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилииб, унга Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан 14 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

ЖСХ-149-11-сонли ажрим

